

Сийрат дарслари (86-дарс). Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир



13:00 / 22.05.2020 3417

364. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда бўйрадан қапа тутдилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унда бир неча кеча намоз ўқидилар. Одамлар у зотнинг ортларида жамланишди. Сўнгра бир кеча овозлари чиқмай қолди. Шунда «ухлаб қолдилар» деган гумон қилишди. Ва баъзилари «чиқсинлар» деб томоқ қира бошлашди. Шунда у зот: **«Сизларнинг қилганларингизни кўриб, зиммангизга ёзилиб қолмасин деб қўрқдим. Агар у зиммангизга ёзилиб қолса, уни бажара олмасдингиз. Ҳой одамлар, уйингизда намоз ўқинглар. Фарз намоздан бошқа намозни киши уйда ўқигани афзал»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

365. Жобир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз масжиддаги намозни тугатса, уйи учун ҳам ўз намозидан насиба қолдирсин, чунки унинг ушбу намози сабабли Аллоҳ уйига яхшилик ёғдиради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

366. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан